

Отабек Маргилондан кайтиб келгандан кейин ўн кунлар ўтказиб уста Алимдан бир хат олган эди. Уста Алим хатида кутидорга учрашканини ҳамма майда-чуйдаларигача ёзиб келиб айтар эди: «Сиз хиёнатни пайкагунча кайин отангизга кандог кина саклаб келган бўлсангиз, ул ҳам сизга ўшандог киналик экан. Мени ва оиламни тахкир этди деб, бу хакоратни умр бўйи унута олмаслигини тушуниб, ўт ичида юрар экан. Мендан хакикати холни онглаб жуда шошиб колди, хатто хуши бошидан учди. Ичкаридан аник маълумот бера олмасам ҳам, аммо уларнинг ҳам кайин отангиз холига тушканларини мулохаза килдим. Кайин отангиз сизнинг ўткан холингизнинг огирлигини тасаввур килолмаганидек, душманларингизга берган жавобингизни тақдир этиш учун ҳам сўз тополмас эди. Хар холда орангиздаги кинанинг душманингиз билан бирга супирилганига шубха йўк».

Мактубнинг яна бир ўрнида: «Сизнинг каерда бўлганлигингизни сўраган эди, мен билганимни айтдим. Келармикин деган эди, бунга ҳам ўзингизнинг ўшал мухмал жавобингизни бердим. Фикримча, кишда бўлмаганда ҳам, кўкламга чикиб ўзлари Тошканд тушарлар, деб ўйлайман».

Хатнинг охирида: «Сиздан бир кун сўнг Хомид ўлди. Хайтовур бир огиз сўзсиз тўнгиз кўпибди. Мен ўлар чогида ҳам сизга бир тухмат тўкирми, деб кўрккан эдим. Кутидорга хеч бир жарима ортмабдирлар. Мактул-ларнинг эгалари хеч кимни тутиб кўрсатолмаганлари учун махкамалар ҳам ишни текширмай кўйдилар. Ўйлашимча, хеч ким билмаганда ҳам, сирни ўлган Содикнинг онаси билса керак эди. Аммо унинг ҳам дами ичида, сўраганларга худодан кўрдим, деб жавоб берар эмиш. Бул хотиннинг кўлидан хар бир иш келадир дебўйлаб, ўткан кун кайин отангизга айтдим: бегона хотинни уйингизга йўлатмасинлар ва четдан келган таомни емасинлар деб. Хар холда ёмондан хазар лозимдир», деб ёзар эди.

Бу хатдан кейин Маргилондан тик эткан хабар бўлмади ва орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди. Шунинг учун Отабекнинг кунлари куёш ботиб чикган сайин бир онглашилмовчиликга, коронгуликга кира бориб, хар соат аччиг ва ё чучуклиги номаълум бир хол кечириб бошлади. Баъзи кезларда ул умид кучогида шошиб колар эди ва иккинчи вақтда ярамас — кора хаёллар билан энтикар эди.

Умидланган кезларда:

— Ой туйнукдан тубанрокда, бу кун бўлмаса эрта— чиммати кўлида, паранжиси устида, саригми, корами атлас кўйнаги эгнида дарбозадан кириб келгандек ва ўпкалангандек... Иккинчи бир вақтда кимнингдир куйидаги гапини эшитар эди:

— Ул ўзининг душманларини ўлдириш учунгина Маргилонга катнаб юрган экан, хисобини тугатди-да, бедарак кетди, колди. Тузукрок жойи чикса бериб колайлик Кумушни... умри ҳам ўтиб борадир.

Ана шу кора хаёл уни чиндан ёниб турган бир ўт ичига ташлар ва шу чок ўзини мувохазага бошлар эди: «Мен нега икки йил сарсон бўлиб юрдим-да, бу сарсонлигининг натижасига бориб чикганда шундай ахмок-ликка тушдим?» дер ва Маргилон йўлини кўзлар эди. Аммо энди унга Маргилон бориш ўнакайи сира келмас: «Мен нега келдим-да, энди нега бораман ва нима деб бораман? Кизингизни Тошканд олиб тушарсиз деб кеткан эдим... Сиз олиб туша бермаганингиздан кейин ўзим кайтиб келдим деяйми?» Отабек мана шундай чучмал азоблар ичида кейинги кунларини кечира бошлади.

Ой тўлмасдан Маргилон катнаб тургучи ўглини энди уч ойлаб кўзгалмай колиши учун

Ўзбек ойим эскича яна кувониб кетди. «Кейинги килдирган иссиғ-совугим кор килди шекиллиқ, биратўласига Маргилонни тилига олмаёк кўйди. Энди хотинига исиб, мехмонхо-нада ётишни хам бархам берса... хар нучукда дуодан колмайлик», деб Зайнабни домланикига кистар эди.

Отабек кейинги вақтларда савдога юришни тарк килиб кўйгани учун Хасанали ишсиз колган, узун кун уйда бекор зерикканликдан хожига айтиб бир мунча дастмоя билан гузардан бакколлик дўкон очган эди. Отабек кўпинча мехмонхонасидаги кутубхонадан уни-бунни ўкуб ўлтурар, ўкушдан зериккан кезларида Хасан-алининг дўконига чикар ва гузардан хам зериккандан кейин боши огкан ёқларга, Салор бўйларигача кетар ва гохи Чукур кишлок томонларига хам тушар эди. Аммо тушкани билан бурунгича ичмас, икки-уч, ортиб кетканда тўрт оёк ила кифояланар, кўз ўнглари оз-оз жимирлашкан, турлик хаёллари бир мунча таркалган холда кайтар ва лекин Хасанали хам унинг бу кайфини жуда сийрак сеза олур эди.

Ўткан кун Чукур кишлокка тушкан эди. Аср вақтларида кайтиб гузарга келди-да, хаёлат билан Хасанали дўконига ўлтурди. Отлик, яёв ўткинчилар тўрт томонга катнаб турардилар, унинг бу кунги кайфи ўтачарок кеткан бўлса керак, уларни гира-шира кўзга илгандек карайдир.

Хасанали бир-икки уни кузаткандан кейин сўради:

— Маргилонга нега кетмай юрибсиз?

Бу саволдан унинг кайфи таркалгандек бўлиб, кўзлари мошдек очилди.

— Хавсала йўк...

— Кайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз хам маъкул эди катнаб юргандан...

— Кайдам...

Илгари шундай савол чоғларида ўзининг ёлгон жавобларидан жуда хафаланар, Хасаналига ўткан гапларни бирин-бирин айтиб бергуси ва «маним уйланишимга сен сабаб бўлган эдинг, энди уни мандан ажратдилар», деб ундан ўз дардига даво истагуси келар эди. Хозир ўзидан хафалиқ, ўнгайсизлик сезмаган бўлса хам бошига «ўзим боролмасам-да, Хасаналини юборишим ва кезини топиб ўткан гапларни отага хикоя килишим керак эди», деган фикр келди. Бора-бора бу фикр унинг бошига жиддий ўринлашиб олди, шу тўғрида чинлаб ўйлаб кетиб кайфи хам таркалаёзди. Дўконни ёпиб, Хасанали билан бирга кетди — йўлда, мехмонхонада бирга ўлтуриб ош еди, дастурхон устида унинг ўйлагани факат шу бўлиб колди. Бирок бу фикр карор тусига кириб кета олмади, дакика сайин таркалиб борган кайфидек турлик монёларга учрай бошлади:

— Хали Маргилонда ишлар калайикин? Улар яна айнаб колмаганмикинлар?

Маргилондан бир нарса пай-камай туриб, кишини овора килишга арзирмикин?..

Бу кун куёш очик хавода кезиши учун жим-жим товланиб, ер юзига кулиб каради. Икки кундан бери куёш бетини коплаб, турлик ерларга жон суви сепиш ила чарчаган бахор булутлари бурчак-бурчакка таркалиб борар эдилар. Уяларидан чикиш биланок чумчуқлар чиркиллашиб, мусичалар кукулашдилар. Анови ар-ар те-ракка уя кўйишга ўйлаган бир жуфт карруклар хам вижир-вижир килишиб кенгаш очдилар. Подачининг товшини эшитиб, далага ошикган онасига эргашиб кашка бузук хам маграб юборди. Модасига тегишкани учун томдаги каптар хам бўкогини чикариб ракибининг теварагида ягрин бера бошлади... Кискаси бу кун уйғонишданок бутун коинотнинг яхши туш кўриб турганлиги сезилар эди.

Бахорнинг бу кунги сихирлик куни Отабекни хам китиклади. Чойини наридани-бери тугатиб, Хасанали кетидан гузарга чикди. Ул гузарга чикганда Хасаналининг кўшниси

бўлган Али эринибкина дўкон тахтасини туширмакда эди. Отабекни кўриш билан дўкон очишни тўхтатди:

— Бу кун бўшмисиз, бек ака?

— Бўшман.

— Бўш бўлсангиз, Минг ўрукка — кимизга борар эдик, — деди Али. — Тўла козок бияларини яйлокка солибдир.

— Дўконингиз-чи?

Али туширган тахтасини кайтадан жойига кўяберди:

— Дунёнинг иши битар эмишми, бек ака. Хўб десангиз, дўконни ёпаман.

Отабек яркираб чикиб келган куёшга каради:

— Ёпинг бўлмаса, — деди.

Отабек Хасаналининг дўкони воситасида Али билан яқинда танишкан эди. Ул ичи кирсиз, серкулки, очик-кина бир йигит бўлуб, бек билан гўё кўб йиллардан бери бўлган танишларча муомала килар эди.

Бекга бу тасодиф жуда кулай келди. Чунки уйдан чиқишданок унинг касди бу кунни далада ўтқизмак эди. Эт олдилар-да, яёвлашиб Минг ўрукка кетдилар.

«Минг ўрук» мавзиёти отидан хам маълум, бунда минг чоғлик ўрук дарахти ўскан учун бўлиб, Шиблининг сувидан бошлаб то Салор аригигача катор-катор ўруklar эди.

Салорнинг нариги ёғи бийдек кир, эндигина кўм-кўк ўт гилами униб чикган эди. Минг ўрукнинг этаги бўлган Салор бўйича уч-тўртта козок ўтовлари тикилган эдилар. Иккиси Салор бўйига етиб, Тўла козокнинг келинчагига этни шўрва килиш учун бердилар.

Али ўтовдан кийгиз олиб, Салор бўйига ёзди. Келинчак ёстик, кўрпача ташлаб берди, Отабек хордик чиқариб ясланди.

Куёш озорсизгина киздирар эди. Енгилгина эскан шамол димоғка турлик ўлан исларини келтуриб урар эди. Бир неча калдирғоч Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учкан кўйи «валфажри» ўкур эдилар. Поёнсиз кирнинг юкори-куйи ўринлари якраг кўкат ва кўз илгамайдирган узокликлари туманлангансумон кўриниш берар эдилар. Кушлар, куртлар сайраши табиий бир соз хизматини ўтаб кишига ифодаси кийин бўлган бир сезги солар эдилар.

Отабек табиъатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бир оз ёткандан кейин «ул хам бўлса эди», деб ўйлади ва узок тин олиб кўйди.

Бу куннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ичига сигдиролмади:

— Зап яхши кунми! — деди.

Отабек хам шу гўзалликни ўзига татитмай турган дардидан шикоятланди:

— Шундай кунларда кам-кўстинг бўлмаса...

— Сизнинг хам кам-кўстингиз борми? — деб Али кулимсиради.

— Йўк, деб ўйлайсизми?

— Хаммада бўлганда хам, сизда йўк деб биламан.

— Масалан?

— Масаланми, — деди кулиб Али, — сизнинг билан отангизнинг обрўси кушбегида хам йўк, давлат тўғри-сида бўлса, очикарлик ерда эмассиз... Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтурадир... тагин канака каму кўст?

Кишининг бахтини юзакигина кўриб хукм килгучи Али унга кизик кўринди ва кулиб:

— Тўғри айтдингиз! — деди.

— Шукур килиш керак, бек ака, — деди Али ва ўзи-нинг бахтсизлигидан, топканини рўзгордан ортдиролмай, шу кунгача уйлалмай келишидан хасрат килиб кетди. Отабек

унинг хасратини диккат билан эшитди, хаётнинг зарбаси хар кимнинг ўз даражасига караб ва лекин истисносиз бўлганлигини тушунди.

— Дунёнинг иши шунака экан, мулла Али, — деб уни юпатиб кўйди. Иккиси ҳам бир неча вақт жим колдилар.

— Маргилонлик хотинингиздан болангиз бордир?

— Йўк...

— Бўлса ҳам турмадими, уйланганингизга анча йил бўлган шекиллик?

— Турмади.

Али Отабекнинг ками кўстини шу боласизликдан деб ўйлаган эди:

— Боласизлик учун хафа бўлиш керак эмас, хали ёшсиз, бек ака!

Отабек жавоб бермади. Корсонда кимиз келди. Бек бир-икки зарангни ичкандан кейин, ямлаиб кўкка караб ётиб олди. Али бор товшини кўйиб ашула килди:

Кўзларим йўл устида, келмади ёр,

Ушбу кенг дунё кўзимга бўлди тор.

Кай карокчи олди ёримнинг йўлин,

Мундаги бахтсиз йигит йўл узра зор...

— Кўшилишмайсизми, бек ака?

— Ўзингиз яхши айтасиз, тўхтаманг!

Али борлик овози ила ҳамма хунарини ишлатиб, газал тугалгунча ашулани айтиб борди.

— Тузикми, бек ака?

— Яхши ашулачи экансиз!

— Ундог бўлса устидан буни ичиб юборинг, — деди кулиб, бир заранг кимиз узатди. Бек кимизни бир симиришда бўшатди-да, энтикиб узок кирга каради, узок караб турди-да, юкоридаги байтни ўкуб огиз ичидан мингиллади.

Кўзларим йўл устида, келмади ёр,

Кай карокчи тўсди ёримнинг йўлин...

— Кўконга кеткан сипохлардан дарак эшитдингизми, бек ака?

Отабекнинг хаёли бўлиниб, Алига каради:

— Эшитмадим.

— Маним акам ҳам кеткан эди... Ой бориб, омон келишсунлар-да!

— Акангиз йигитмиди?

— Йўк, мерган эди. Кўкон кетаётган ўртоқларига кизикиб, борма деганга кўнмади. Уруш эхтимоли йўк-ми, шунчаки фотиха учун кетишкандирлар-а?

— Ким билсин, — деди бек ва бир оз ўйлаб колган-дан кейин, — бўлмас, — деб кўйди.

Корсондаги кимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди. Дастурхонни йигкувчи келинчакка ўгул тилаб дуо килин-гандан кейин, кўлига ўттуз чака сурма пули бердилар ва кирни айланиш, бинафша териш учун туриб кетдилар.